

**ЛАНДШАФТ ВА БИОЛОГИК ХИЛМА-ХИЛЛИКНИ ГАТ-ТАХЛИЛ АСОСИДА
БАҲОЛАШ**

Абдуғаниев Олимжон Исомиддинович

*Фарғона давлат университети
география кафедраси доценти, г.ф.н.*

Ғоппорова Фарангиз Ботиржон қизи

*Фарғона давлат университети
география йўналиши 1-курс талабаси*

Кириш. Ҳалқаро миқёсидаги тажрибаларда табиатидаги экологик мувозанатни сақлаб туришнинг энг самарали механизимлардан бири сифатида–минтақанинг географик (ландшафт, биологик, геологик ва бошқ.) хилма-хиллигини қамраб оладиган муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд(МЭТҲ)ларнинг тизимини барпо этиш белгиланган. Чунки, турли тоифага, мақсадга ва режимга эга бўлган МЭТҲлар инсон хўжалик фаолияти таъсирида ўзининг табиий сифатини йўқотиш арафасида турган ҳудуд ва обьектларни муҳофаза қилиш, табиий ресурсларни қайта тиклаш ва бойитиш, қулай табиий муҳитни сақлаш ва таъминлаш учун шароит яратади. Шунинг учун, ривожланган мамлакатлар МЭТҲлар тўлиқ тизими(экологик каркас)ни ишга тушириш орқали минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ва экологик жиҳатдан барқарор ривожланишини таъминлашга эришмоқдалар [3].

МЭТҲларни минтақанинг ландшафт-экологик асоси бўйича баҳолаш натижалари ландшафтларнинг структураси, атроф-муҳитнинг экологик омиллари, нодир ва ноёб турларнинг тарқалиши, табиий ва антропоген ҳавф-ҳатарлар билан белгиланади. МЭТҲларда табиатдан фойдаланишнинг ландшафт-экологик асосини ландшафтли режалаштириш дастури ташкил этади. Бу режалаштириш дастурига кўра, барча тоифадаги ердан фойдаланувчиларнинг мазкур ҳудудда фаолият кўрсатишлари мақсадга мувофиқ келиш-келмаслиги, яъни ландшафтнинг экологик ва табиий-ресурс имкониятларини хўжалик фаолият турига мослиги ҳамда антропоген босимга чидамлилик даражаси тахлил қилинада. Ландшафтли режалаштиришда дастурида ижтимоий-экологик омиллар билан бир қаторда иқтисодий омиллар ҳам кўриб чиқилади [6, 15, 16].

Ҳар бир дандшафтда ўзига хос экологик ва табиий-ресурс имкониятлари мавжуд бўлиб, улар муайян биологик турларнинг ривожланиши, яшashi ва тарақиётини белгилаб беради. Ўзбекистоннинг биохилма-хиллиги ҳозирги пайтда маълум бўлган 27 мингтага яқин турни ўз ичига олади. Улар орасида юксак ўсимликлар, пўпанаклар, лишайниклар (сув ўтлари билан қопланган замбуруғлар), қўзиқоринлар ва сув ўтлари) умуман олганда 11 мингтага яқин турни ташкил этади, фауна турлари –15,6 мингта

турдан ортиқ. Ўзбекистон олий томирли ўсимликлари эндемизми қарийб 8%. Қадимдан сақланиб қолган эндемиклар эндемик турлар умумий сонининг 10–12 фоизини ташкил этади. Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг эндемикаси умуртқали ҳайвонларнинг 53 та тури ва кенжә турини ифодалайди. Судралиб юрувчиларда эндемизм кўрсаткичи 50 фоизга teng, сут эмизувчилар синфи эндемизми даражаси пастроқ –14% ва қушлар синфи учун эндемиклар сони кўп эмас–1,7%. Балиқлар орасида эндемизм даражаси 50 фоиздан ортиқча етади [7, 8].

Антропоген таъсир остида кучаяётган табиий экотизимларнинг умумий таназзули ва фрагментацияси ареалларнинг ва ҳам камёб, ҳам ресурс (овланадиган) турларнинг сони қисқаришига олиб келди. Бундай турлар ёввойи табиатда йўқолиб кетиш хавфига эга ва Қизил китобга киритиш учун тавсия қилинган. Ўзбекистонда биологик ва ландшафт хилма-хиллигини сақлаб қолиш борасида МЭТҲлар тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. МЭТҲлар тизимини кенгайиши камёб ва йўқ бўлиб кетаётган ҳайвонлар муҳофазасини кучайтиришга ҳамда сонини тиклашга хизмат қиласи [5, 12].

Адабиётлар тахлили ва методологияси. Фарғона водийсининг флораси тўғрисидаги энг сўнгги маълумотлар М.М.Арифхоновага те-гишли бўлиб [4], 2625 ўсимлик туридан ташкил топганлиги тўғрисида маълумотлар берилган. Ҳозирги кунда Фарғона водийсида Ўзбекистон Республикасининг «Қизил китоби»га (2019) киритилган ноёб ва йўқолиб бораётган 47 та ўсимлик ва 56 ҳайвон турлари тарқалган бўлиб, уларнинг муҳофазасини тўлиқ таъминланмаган. Шу боис, янги МЭТҲларни ташкил этиш ва мавжудларини кенгайтириш билан боғлиқ чора тадбирларни белгилашда камёб ва йўқолиб бораётган турлар тарқалган ареалларни ҳисобга олиш муҳим ўрин тутади.

Табиий географик объектлар ёки ҳудудларга муҳофаза статусини бериш Ўрта Осиёда, ҳусусан Фарғона водийсида Қўқон хонлиги давридан бошланган. Лекин, Ўзбекистонда МЭТҲларни таркиби, сони ва майдоннининг ортиб бориши XX асрнинг иккинчи ярмига тўғри келади. Ҳозирги кундаги тадқиқотлар асосий эътибор МЭТҲлар тизимининг репрезентативлигини баҳолашга қаратилган. Репрезентативлик даражаси МЭТҲларнинг минтақадаги ландшафт ва биологик хилма-хиллик кўрсаткичини қанчалик қамраб олганлиги билан белгиланмоқда [10, 13, 14].

Натижа ва мухокамалар. Бутун жаҳон Ёввойи табиат Фонди “Global 200” рўйхатига киритилган экотегионларда дунё миқёсида биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш учун МЭТҲлар тизимининг репрезентативлигини таъминлаш бўйича тадқиқот олиб бормоқда. Тадқиқот натижалари МЭТҲларни такомиллаштириш, янгиларини барпо қилиш ҳамда экорегионлардаги муҳофаза олинган ҳудудлардан самарали фойдаланиш имконияти баҳолашга ёрдам беради. Ҳозирги кунда географик ахборот тизимини (ГАТ) қўллаш орқали минтақадаги биологик ва

ландшафт хилма-хиллиги(БЛХ)ни холатини баҳолашга катта эътибор қаратилмоқда. Чунки, бу усул қисқа вақт давомида ўрганилаётган объект ҳолатини баҳолаш, олинган натижаларни карталарда акс эттириш ва бошқарув бўйича қарорларини қабул қилиш имкониятларини яратади [18, 17]. Шунинг учун, алоҳида минтақалар ёки давлатлар бўйича МЭТҲлар тизимини оптималлаштиришда қўлланиладиган асосий ёндашувлардан бири ГАТ-тахлил хисобланади. ГАТ-тахлил –у ёки бу минтақанинг биохилма-хиллик даражасини аниқлаш ҳамда бир шаклга келтиришни тадқиқ қилиш усулидир [9, 11]. Шунингдек, БХ бўйича конвенция талабларини амалга оширишдаги умумий қабул қилинган усуллар мажмуаси сифатида белгиланган.

ГАТ-тахлилнинг асосий ҳусусиятларидан яна бири үнинг мослашувчанлигидир. Дастреб, бундай ёндашув йирик экорегионлар учун қўлланилган (масалан, WWF экорегионлари учун). Бироқ, амалиётда ГАТ-тахлил кўпинча, алоҳида давлатлар, административ районлар ва давлатларнинг провинциялари учун ҳам амалга оширилган. Шунинг учун, Ўзбекистонда ҳам бу борадаги тадқиқотларни кенгайтириш мақсадга мувофиқдир. ГАТ-тахлил асосида биологик ва ландшафт хилма-хиллигини баҳолаш жараёнини қўйидаги босқичларга ажратиш мумкин:

1. Табиатни муҳофаза қилиш мақсадида “биохилма-хиллик фокуси”ни аниқлаш. Бу босқичда ўрганилаётган объектдаги БХнинг энг юқори даражаси сақланиб қолинган (масалан, алоҳида гурӯхлар, типик ва ноёб экосистемалар ёки барча БХнинг комплекси) “нуқта”сини аниқлашга алоҳида эътибор қаратилади. Одатда у рақамли кўрсатқичлар билан аниқланади. Бунда қўйидаги кўрсаткичлардан: турларга бойлиги, эндемик ёки реликт турлар, гурӯх ва оиласалар миқдори, ўзига хос экологик ёки эволюцион белгиларнинг (ўзига хос адаптация бўлиши, айрим умуртқалиларнинг йирик популяцисини сақланиб қолганлиги ва уларнинг миграцион йўналишлари) мавжудлиги, экотизмнинг дунё миқёсидаги ноёблик даражаси кабилардан фойдаланилган.

2. Аниқланган барча объектларни БХни сақлаб қолишдаги аҳамияти бўйича баҳолаш ва карталаштириш. Бу босқичда тадқиқот учун аҳамиятга эга бўлган обеъктларни инвентаризацияси ва карталаштириш ишлари бўйича олиб борилади. Ўрганилаётган ҳудуднинг геологик тузилиши, рельефи, иқлими, гидролгияси, тупроқ қоплами ҳамда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг ноёблиги, уларни тарқалиши ҳамда таркиби бўйича бир бирига ўзашаш, ўзига хос ҳусусиятга эга бўлган экотизимлар умумлаштирилади. Натижада биологик хилма-хиллик кўрсаткичи нисбатан юқори ва таянч характерга эга бўлган обеъктларни жойлашган ўрнини кўрсатувчи дастреблар карталар тузилади.

3. Муҳофаза қилинадиган ҳудудларнинг аҳамияти, мақсади ва вазифасидан келиб чиқиб тахлил қилиш ҳамда тоифаларини бўйича карталаштириш. Бу босқичда ажратиб олинган ҳудуд ёки обеъктларнинг муҳофаза мақомини илмий жиҳатдан

асослаш бўйича иш тартиби йўлга қўйилади. Натижада, МЭТҲларни тизимдаги функцияси бўйича марказий ядро, геоэкологик қайта тиклаш ҳудудлари, геоэкологик йўлаклар ва ҳимоя зоналарига ажратиш ишлари амалга оширилади.

4. Йиғилган маълумотларни тахлил қилиш ва йўл қўйилган камчиликларни аниқлаш. Бу босқичда минтақанинг биологик ва ландшафт хилма-хиллигини сақлашда бир-бирига мос келмаётган ҳудудлар ҳамда МЭТҲлар тизимдаги узилишлар аниқланади. Аниқланган камчиликларни бартараф қилиш учун МЭТҲларнинг мақоми, таркиби ва майдонини кенгайтириш бўйича таклифлар киритилади.

5. Экологик каркас талабига мос келмаётган обьект ёки ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва экологик аҳамиятига қараб гурухлаштириш. Бунда биохилма-хилликни муҳофаза қилиш жараёнида бир-бирига мос келмаётган майдонлар бўйича гурухлаштириш амалга оширилади. Натижада, турларнинг эндемик ёки ноёблиги, миграцияси, кўпайиш мавсуми каби кўрсаткичлар орқали бир-бирига мос келмаётган обьект ёки ҳудудларга бирхиллаштирилган муҳофаза статуси белгиланади.

6. Экотизмнинг турларга бойлигини аниқлаш. Бу кўрсаткич табиат зонаси ва табиий-географик минтақага учун этalon сифатида ажратилган МЭТҲга тааллуқли бўлган ёки мос келадиган ноёб ва маҳаллий флора-фауна турларига бойлиги билан боҳаланади. Этalon сифатида ажратилган геотизмни турларга бойлиги одатда у рақамли кўрсаткичлар билан аниқланади. Бунда геотизмни турларга бойлиги, унданги эндемик ёки реликт турлар, грух ва оиласалар миқдори, ўзига хос экологик ёки эволюцион белгиларнинг мавжудлиги, экотизмнинг дунё миқёсидаги ноёблик даражаси каби кўрсаткичлардан фойдаланилади.

7. Бошқарувда меъёр ва стратегияни аниқ ифода қилиш. Бу босқичда тизимни тўлдириш учун таклиф қилинаётган МЭТҲларни комплекс қайта тахлил қилиш орқали амалга оширилади. Бу янги МЭТҲларни ташкил этиш ёки мавжудларини такомиллаштиришда уларнинг буфер зоналарни ёки табиатни муҳофаза қилишнинг бошқа шаклларини қўшиш орқали амалга оширилиши мумкин. Айрим холатларда, МЭТҲлардан ва уларнинг айрим ресурсларидан мақсадли барқарор фойдаланиш бўйича ёндашувни ҳам амалга ошириш мумкин. Аниқланган камчиликлар фақат ҳудудлар бўйича балки, бошқарувдаги муаммолардан ёки муҳофазага олинган ҳудуд холати уни муҳофаза статусига тўғри келмаслигидан ҳам иборат бўлиши мумкин.

Хулоса. Биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш бўйича қабул қилинган конвенцияда географик қобиқдаги геокомплекслар ичидан, энг аввало, тирик организмларнинг турларига энг бой бўлган ландшафтлар, сўнгра уларга ўхшаш бўлган бошқа ҳудудлар танлаб олишга эътибор қаратилади. Биологик ва ландшафт хилма-хиллигини сақлаб қолиш бўйича амалга оширилаётган фундаментал ва амалий тадқиқотлар атроф табиий мұхит мониторингини йўлга қўшишга, биологик хилма-

хилликка тўғридан-тўғри кўрсатилаётган антропоген босимни меёrlаштиишга ҳамда МЭТҲлар тизимини такомилаштиришга тегишли бўлган дастурларини ишлаб чиқиш учун ҳуқуқий асослардан бири бўлиб хизмат қиласди.

Табиий ландшафтлардаги антропоген ўзгаришлар, биринчи навбатда биологик турларда намоён бўлади. Шунингдек, табиий-географик минтақадаги биологик турларнинг хилма-хиллиги, мазкур ҳудуддаги экологик мувозанатнинг қулайлигини билдиради. Масалан, биотанинг таркиби, ҳили, ўзаро нисбати ва ҳолатлари ҳамда уларнинг ўзини-ўзи тиклаш ва сақлаш қобилияти геотизимнинг барқарорлигини, антропоген таъсирнинг меъёрини ёки уларни ўзгартиришнинг энг яхши вариантини аниқлашда муҳим кўрсаткич вазифасини ўтайди.

“Биохилма-хиллик фокуси”нинг энг юқори нуқтаси Фарғона водийсининг Ўзбекистон Республикасига қарашли қисмида Марказий Фарғона, Сўҳ ва Шоҳимардан ҳудудлари, Оҳангарон ва Чодак дарёлари ирмоқларининг юқори қисмлари, Сирдарё тўқайзорлари, Тешиклитош адирли тоғлари, Кампирқоқ, Қиртоштов, Чилустун ва Қоратов тоғларига тўғри келади. Мазкур ҳудудларга МЭТҲ мақомини бериш орқали Ўзбекистон Республикасининг “Қизил китоби”га (2019) киритилган ноёб ва йўқолиб бораётган 47 та ўсимлик ва 56 ҳайвон турлари сақлаб қолиш имконига эга бўламиз [2, 10, 14].

Бу йўл орқали минтақада олиб борилаётган муҳофаза ишларининг самарадорлигини таъминлашимиз мумкин. Шуни айтиш жоизки, биохилма-хиллик – ҳаёт мезонидир, уни сақлаб қолиш, такрор кўпайтириш ва тиклаш бизнинг умумий манфаатимиздир. Бу жараёнда ёшларимизнинг атроф табиий муҳит муҳофазаси йўналишдаги яратувчанлик, бунёдкорлик сифатларини намоён этиш ҳамда даҳлдорлик ҳиссиётини уйғотиш айниқса ҳозирги куннинг муҳим вазифасидир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5863-сон Фармони. 2019 йил 30 октябрь. <https://lex.uz/docs/4574008>
2. Абдуганиев О. И., Махкамов Э. Г., Комилова Т. Д. ГЕОЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ И ПУТИ ИХ РЕШЕНИЯ //Экономика и социум. – 2020. – №. 4. – С. 1072-1077.
3. Абдуғаниев О. И., Нишонов Б. ЭКОЛОГИК-ХЎЖАЛИК ҲОЛАТНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШДА МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ҲУДУДЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ //Miasto Przyszlosci. – 2022. – Т. 25. – С. 72-73.
4. Арифханова М.М. Растительность Ферганской долины. – Т.: Фан, 1967. – 287 с.

5. Аҳмадалиев Ю. И., Абдуғаниев О. И. The value of geoecological principles in the system of protected natural territories //Узбекистон ва Россияда география фани: умумий муаммолар, ҳамкорлик салоҳияти ва истиқболи. – 2019. – С. 48-50.
6. Соболев Н.А. Особо охраняемые природные территории и охрана природы Подмосковья // 4-е научные чтения памяти Н.Ф. Реймерса. М.: Изд-во МНЭПУ, 1998. С. 26–56.
7. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби, II жилд: Ҳайвонлар. Ж.А.Азимовнинг умумий таҳрири остида. Т.: "Tasvir" нашриёт уйи, 2019. - 392 б. - Тит. в. ўзбек, рус ва инглиз тилларида.
8. Ўзбекистон Республикасининг Қизил китоби, I жилд: Ўсимликлар. Ф.Ў.Ҳасановнинг умумий таҳрири остида. Т.: "Chinor ENK", 2019. - 356 б. - Тит. в. ўзбек, рус ва инглиз тилларида.
9. Abdug'aniev O. I., Turdiboeva S. X. Q. FARG'ONA TUMANINING EKOLOGIK-XO'JALIK HOLATINI BAHOLASH VA OPTIMALLASHTIRISHNING GEOEKOLOGIK JIHATLARI //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 7. – С. 247-256.
10. Abduganiyev O., Obidjonov U., Mominova S. BIOLOGICAL DIVERSITY AND PROBLEMS OF ITS CONSERVATION (ON THE EXAMPLE OF THE FERGHANA VALLEY) //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 4. – С. 1108-1114.
11. Abdug'aniyev O. I., Turdiboeva S. X. Q., Abdullayeva H. R. Q. BARQAROR TARAQQIYOT VA ETNOEKOLOGIYA //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. 5. – С. 94-101.
12. Abduganiyev Olimjon Isomiddinovich., Dekhkanbaeva Mavlyuda Nosirjonovna, & Karimkulova Dilafruz Bakhromjon kyzы. (2022). Tourism Potential of Protected Natural Areas and Problems of Its Use. Texas Journal of Multidisciplinary Studies, 9, 162–166. Retrieved from <https://zienjournals.com/index.php/tjm/article/view/2027>.
13. Isomiddinovich A. O. Comparative analysis of the protected natural territories of the Republic of Uzbekistan and the international Union of nature protection //European science review. – 2018. – №. 9-10-1. – С. 67-70.
14. Isamiddinovich A. O., Noralievich M. I., Bakhodirovich K. D. REGIONAL AND STRUCTURAL MODEL AND STABILITY OF ECOLOGICAL FRAMEWORK. – 2021.
15. Isomiddinovich A. O., kizi Shermatova Z. K., kizi Jarkinova M. I. GEOGRAPHICAL REPRESENTATIVENESS OF PROTECTED NATURAL TERRITORIES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN. – 2021.